

7.2. “Ижрочи” томонидан транспорт карталаларининг бериш муддати бузилса, у “Буюртмачи” га хар кечикирилган куни учун тўлов суммасининг 0,4 % микдорида пеня тўлайди. Пеня микдори кечикирилган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. “Томонлар” ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини етарли даражада ёки тўлик бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси конунчилиги асосида жавобгардирлар.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. “Томонлар” ушбу шартнома бўйича маъсулиятни қисман ёки тўла ҳолатда бажаришдан озод килинадилар, агар бу ҳолат шартнома тузилгандан кейин енгиб бўлмас куч туфайли юзага келса, яъни фавкулодда ҳолатлар хар икки томон учун олдиндан кутилмаган ҳолатлар бўлиб, уларни окилона тадбирлар билан енгиб бўлмаса (форс - мажор).

8.2. Ушбу фавкулодда ҳолатларга куйидагилар киради: сув тошкени, ёнғин, зилзила, портлаш, бўрон, ер кўчиши, эпидемия ва табиатнинг бошка оғатлари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фукаролар тартибсизликлари, террористик ҳаракатлар ва х.к.

8.3. Форс - мажор ҳолатлари вужудга келганда мажбуриятларни бажариш муддати ушбу ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этиши вактига мутаносиб равишда узайтирилади.

8.4. Форс - мажор ҳолатига дучор бўлган томон 5 (беш) календар куни ичida шундай ҳолат юз бергани ҳакида бошка томонни хабардор килиши керак.

8.5. Форс - мажор юзага келиши ҳакида хабарнома вактида юборилмаса, айбдор томон бошка томонга етказилган зарарни тўлаши шарт.

8.6. Форс - мажор ҳолатларига ишора қилувчи томон, уларни тасдиқлаш учун, ваколатли давлат органининг ҳужжатини тақдим этиши шарт.

IX. Низоларни ҳал этиш

9.1. Ушбу шартнома ижросидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликларни “Томонлар” музокаралар йўли билан ҳал этишга ҳаракат килишади.

9.2. Агар ушбу шартнома ижроси бўйича низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, ушбу низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига белгиланган тартибда Тошкент шахар туманлараро иктисадий судида ҳал этилиши лозим.

X. Бошка шартлар

10.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган “Томонлар” ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, “Томонлар”нинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

10.2. Сотилган транспорт карталари ва транспорт карталарига тўлдирилган тариф режалар кайтариб олинмайди ва алмаштирилмайди.

10.3. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, хар бир томон учун бир нусхадан, тузилади.

10.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари кўлланилади.

10.5. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва “Томонлар” уларни имзолаган тақдирда, ҳақиқий ҳисобланади.

10.6. “Томонлар”нинг ҳеч бири, “Томонлар”нинг ёзма розилигисиз, ушбу шартнома бўйича ўзининг хукук ва мажбуриятларини учинчи томонга бериши мумкин эмас.

10.7. Ушбу шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас кисми ҳисобланади.

10.8. “Томонлар” шартнома (келишув) тузатганларида шартномага (келишувга) имзо чекиши хукуки бўлган шахсларнинг факсимилиеси механик ёки бошка нусха қўчириш воситасида ишлатилиши мумкин, шунингдек, факсимиле ушбу шартнома доирасида керакли бўлган ҳужжатларга ҳам ишлатилиши мумкин, агарда Ўзбекистон Республикаси конунчилигига факсимилени бу ҳужжатларда ишлатиш тақиқланмаган бўлса.

10.9. “Томонлар”, уларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, ушбу ҳакида бир-бирларини 10 (үн) кун давомида ёзма равищда хабардор килишлари лозим.